1690030

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DIYOR EXPORT CO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DIYOR EXPORT CO" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.01.2019 — 674013 — ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306039619

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Quva tumani, Iftixor, SO`FI QISHLOG`I,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Quva tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Сканировано с CamScanner

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
150500, Dang'ara tumani Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel. (998 73) 572 17 78, el. pochta dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

"8" iyun 2022 yil.

Dang'ara tumani
Obodonlashtirish boshqarmasiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**XO'JALIK SHARTNOMASI .**

2. Loyihaning nomi:

Xizmat ko'rsatish shartnomasi

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va amaldagi qonunlari, O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi.

Shartnoma loyihasiga asosan bajaruvchi «Diyor Export CO» MCHJ, buyurtmachi esa Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi shartnomaning taraflari bo'lib hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 13-moddasiga asosan yuqoridagi loyiha taraflar tomonidan imzolanib qonuniy kuchga kirgandan so'ng 2022 yil 31 dekabrga qadarli amal qilish belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 7-

Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: OY8338484540

moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma loyihasi bo'yicha «Diyor Export CO» MCHJ tomonidan umumiy qiymati 203 000 000 so'mlik xizmatlarni bajarish va yetkazib berish ishlarini bajarish hamda buyurtmachi Dang'ara tuman Obodonlashtirish boshqarmasi ushbu ishlarni qabul qilish va o'z vaqtida to'lovni amalga oshirish majburiyatini olgan.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 25-moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma bo'yicha taraflarning tovarlarni etkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborganlik, to'liq etkazib bermaganlik, ishlarni bajarmaganlik yoki xizmat ko'rsatmaganlik uchun javobgarlik qonunga asosan belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2021 yil 14-sentyabdagi PF-6313-son Farmonida 2022 yil 1-yanvardan xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi va Savdo-sanoat palatasining 2021 yil 12 noyabrdagi 1/4671, 01-19/7284,7/01-08-9544-son qarori bilan Xo'jalik yurituvchi subektlar tomonidan shartnomalar tuzishda qo'llash uchun tavsiyaviy xarakterga ega bo'lgan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar yuqoridagi shartnomaga qo'shimcha ravishda kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori va O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 21-moddasiga asosan hulosa shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan, taraflarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, amaldagi qonunlari va O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

**Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **E.Y.Baymatov**

Сканировано с CamScanner

1

# ШАРТНОМА № 5

«8» 06 2022 йил Дангара тумани

**ООО «DIYOR EXPORT CO»** номидан рахбари Д.Р.Момоталиев бундан буён бир томондан «Бажарувчи» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан **«Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси»** номидан рахбар **М.Холмирзаев** низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади ва куйдагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р № | Товар,иш-хизмат номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Етказиб бериш суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Капасарой МФЙ Хислат ва Бодомзор кучалари учун трансформатор етказиб бериш ва урнатиш | дона | 2 | 101 500 000 | 203 000 000 |

Махсулотнинг шартномавий умумий бахоси 203 000 000 (икки юз уч миллион) сум.
(ракамлар, сзувлар билан)

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» Махсулот учун олдиндан, етказиб берилаётган Махсулотнинг 30 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

## IV. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг Махсулотни 1( бир ой) муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт.

## V. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган Махсулотнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Махсулотлар тўлик етказиб берилиши керак берилаётган Махсулот кисман етказиб берилмаса Буюртмачи уларни тўлик етказиб беришни талаб килиш хукукига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга хакли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб куйиш хукукига эга;

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Буюртмачи»га Махсулотни етказиб бериш;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўгрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган махсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот бахосини кайтариб бериш.
- «Бажарувчи» етказиб берган Махсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, Махсулотни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб ўз вактида махсулотни кабул килиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аникланганидан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 3(уч ) кун ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.
- Тўлик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

Сканировано с CamScanner

8.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган холда Махсулотни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган кисмидан 0.5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома бажарилмаган кисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тўлайди.

8.4 «Буюртмачи» олинган Махсулот учун туловни ўз вактида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи киммат деб топилган таклирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланади.

## IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, хар кандай холатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунида огохлантириши шарт.

9.3.Огохлантириш хати (почта ) оркали юборилади.

9.4. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

## X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор килишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибида хал килинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «8» июн дан 2022 йил « 31»декабргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг конуний кучга киради.

## XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1, Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцига карши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йул куйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги хакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи етказиб берувчичи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради,

4, Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар кандай вакт ва шаклда куйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошка сохаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб колиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига ноконуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошка

мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошка мол-мулкка бўлган хакикий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини

Сканировано с CamScanner

яширишга; в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки тахдид килиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор килиши шарт.

5. Тарафлар Махсулотлар, хизмат ва ишларни реализация килиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошка рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи етказиб берувчичилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошка вакилларга) нисбатан куйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга пул кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чикариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб килиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хак микдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хакида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга карши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хакда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича окилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чикиш натижалари хакида хабардор килмаган такдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга хамда зарарни тўлик коплаб беришни талаб килишга хакли.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **ООО «DIYOR EXPORT CO»** | **Дангара тумани Ободонлаштириш бошкармаси** |
| (етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблаг олувчининг номи) |
| Манзил: Фаргона вилояти Кува тумани | Манзил : Дангара тумани Чинобод кишлоги |
| Тел./факс : +99890-277-22-02 | Тел./факс +99890-362-92-66 |
| х/в : 20208000900983539001 | ш/хр : 401722860302367065200110013 |
| Банк номи : ТИФ Миллий банк Фаргона фил | бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 206 940 997 |
| МФО: 00493 | ОКОНХ__________ |
| СТИР: 306039619 | Газначилик бўлинмаси номи Дангара тумани Газначилиги |
| ОКОНХ: | Газна х/в 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ХККМ |
| | МФО 00014 |
| | газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 |
| Рахбар Д.Р.Маматалиев | Рахбар М.Холмирзаев |
| (имзо) | (имзо) |
| М.У. | М.У. |

Сканировано с CamScanner